



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Султанова Дилшода Намазовна — Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетининг санъат кафедраси профессори, Самарқанд вилояти

Тожибаева Наргиза Келдибековна — Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Хильатуллаева Зарина Абдуназаровна — Пискент тумани ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Тошкент вилояти

Хусенова Насиба Исмаитовна — Кармана тумани бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, бош отинийиси, Навоий вилояти

II даражали “Саломатлик” ордени билан

Абдурахманова Фаридохон Насриддинова — Андижон вилояти болалар кўп тармонли тиббиёт марказининг анестезиолог-реаниматологи

Лякшова Галина Петровна — Тиббиёт бош бошқармасининг 1-Марказий консультатив-диагностик поликлиникаси ҳудуд ҳамшираси

“Соғлом турмуш” медали билан

Алларова Дилфуза Миржалиловна — Юқори Чирчиқ туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили фани ўқитувчиси, марафон югурувчиси, Тошкент вилояти

Исмоилова Дилдора Ўктамовна — Қўшқўпир туманидаги “Шерзодбек шифо клиникаси” оилавий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Польвонова Луфтиснона Бобошарифовна — Риштон туманидаги “Чўнғара Зилол” оилавий шифокорлик пункти дояси, Фарғона вилояти

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Турсунова Навбахор Эшмуродовна — Жомбой туманлараро иқтисодий судининг раиси, Самарқанд вилояти

Хайитова Сайёра Номозбоевна — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Яккасарой тумани кўриқлаш бўлими гуруҳ командири, Тошкент шаҳри

“Келажак бунёдкори” медали билан

Ёқубжоновна Шахноза Тўлқинжонқизи — Гнесин номидаги Россия музыка академияси магистранти
Файзуллаева Мадина Хикматиллаевна — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

“Шухрат” медали билан

Абдувалиева Санобар Султоновна — “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Ангрен кон бошқармаси “Кўчбулоқ” шахтаси компрессор қурилмалари машинисти, Тошкент вилояти

Абдуллаева Озода Сафибуллаевна — Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг саноатни ахборотлаштириш факультети декани, Наманган вилояти

Абдусаламова Фароғат Суннатуллага кизи — Ўзбекистон давлат симфоник оркестри хор жамоаси раҳбари

Азизова Гулбахор Назруллаевна — Мирзо Улугбек туманидаги “Bahor Deco” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

Антбаева Замира Жолдашовна — Нукус шаҳридаги “Науқан бағ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Акрамова Машхура Зафаржон қизи — Куvasой шаҳридаги “Elycardin Tekstil” масъулияти чекланган жамияти директори, Фарғона вилояти

Арипова Мактуба Кабуловна — Учтепа тумани ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри

Бобомуротова Гулрух Умаровна — Нурота тумани ҳокимининг ўринбосари

— оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Навоий вилояти

Боева Фотима Салоҳиддиновна — Паркент туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, Тошкент вилояти

Дехканова Наргиза Акбаровна — Андижон шаҳар ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Андижон вилояти

Ёрқуллова Марзия Файзиёвна — Пахтачи тумани “Урганчи” маҳалла фуқаролар йиғинидаги кутубхона раҳбари, Самарқанд вилояти

Жўраева Озода Ҳасановна — Денов туманидаги 1-оилавий болалар уйи раҳбари, Сурхондарё вилояти

Йўлдасева Махлиё Нордўлатовна — Ғузур туманидаги хунарманд-тикувчи, Қашқадарё вилояти

Камолдинова Мукарамхон Усмановна — Андижон шаҳридаги “Auto Rubber” масъулияти чекланган жамиятининг йиғувчиси устаси, Андижон вилояти

Каримова Шахноза Яндашовна — Навоий шаҳридаги “Baraka Non Navoiy” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

Каршибаева Гулчехра Шодмонқулловна — Боеўт туманидаги “Болғали Қилч ака” фермер хўжалиғи бошлиғи, Сирдарё вилояти

Комилова Саодат Юсупжоновна — Жиззах шаҳри телекоммуникация боғламаси телеграф электр монтажчиси, Жиззах вилояти

Қораева Дилназовна Қумаковна — Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг етакчи муҳандис-технологи, Қашқадарё вилояти

Қўқорова Барно Ибодуллоевна — Янгйариқ тумани ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Хоразм вилояти

Маматқуллова Зиннат Маматқулловна — Янгибод туманидаги

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2025 йил 4 март

Ш. МИРЗИЁЕВ

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни



Ҳақим Йўлдошев оспан суратлар.

МЎЪТАБАР АЁЛЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМДА

Бошланиши 1-бетда

Яратилётган шундай кенг қамровли имкониятлар опа-сингилларимизнинг барча соҳаларда фаолиги янада ошишига замин яратмоқда. Жумладан, бугунги кунда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35, тадбиркорлик соҳасида 45, сиёсий партиялар таркибиде эса 49 фоизга етди. Бундан ташқари, опа-сингилларимиз тиббиёт, таълим, иқтисодиёт тармоқлари, саноат ва ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиғи, молия ва сугурта фаолияти, шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам фаол меҳнат қилмоқда. Ҳар бир инсоннинг ўз салоҳиятини юзага чиқариши учун яратилётган замонaviй шaroитлар туйғайли олий таълим муассасаларида тахсил олаётган хотин-қизлар улуши 52,2 фоизни ташкил этмоқда. Хотин-қизлар рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари каби илгор соҳаларга фаол кириб келмоқда.

Ўз навбатида жамиятимиздаги ислохотларда фаол иштирок этаётган опа-сингилларимизнинг фидокорона меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 апрелдаги “Мўътабар аёл” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Бугунги кунга қадар 1500 дан ортиқ хотин-қиз ушбу кўкрак нишони билан тақдирланган.

Жорий йилда ҳам маъzur мукофотга номзодларни саралаш жараёни қизғин кечди.

Республика комиссиясининг якуний ҳулосасига кўра, фаол, фидойи ва ташаббускор 333 аёл “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди. Уларнинг орасида олимлар, тадбиркорлар, фермерлар, хунармандлар, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, ҳуқуқ-тартибот, транспорт, коммунал соҳа, маҳалла тизими ва бошқа соҳалар вакиллари бор. Транспорт вазирлиги тизимидаги “Ўзавтовокзал сервис” масъулияти чекланган жамияти ходимлар бўлими бошлиғи Ақида Шомамудова шулардан бири.

Барчамиз гувоҳи бўлиб турганимиздек, бугунги кунга келиб, бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам ҳаракат ва қатнов йил сайин кенгайиб бораётган, — дейди Ақида Шомамудова. — Ўзбекистоннинг дунёга очилиши ўзаро борди-келдиларни кўпайтирди. Бу жараёнда транспорт тизими ходимлари фаолиятининг ўрни катта. Ҳар кун эрталабдан ишимизга киришар эканмиз, ана шу масъулиятни чин дилдан ҳис этиб, вазифамизни сидқидилдан бажариш, юртимиз ва соҳа ривожига улуш қўшишни асосий бурчимиз, деб биламиз. Ушбу меҳнатларимиз инобатга олиниб, “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланганим ҳаётимиздаги катта воқеали бўлди. Бу нафақат меннинг, балки бутун жамомиз, айниқса, тизимда меҳнат қилаётган хотин-қизлар меҳнати эътибори деб биламан. Бундай эътибор ва эҳтиром учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Б.ҲАЗРАТҚУЛОВА, журналист

ЎЗБЕК РАҚСЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОННИ СЕВГАНДЕК СЕВАМАН

Алина БАБЕШКО, Ўзбекистон давлат хореография академияси ўқитувчиси, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиби:



— Болаликдан санъатга, мусиқага қизиққан туйғайли 1-синфда ўқийётганимда онам мусиқа мактабининг най (флейта), фортепиано синфига берган. Мактабда ўқиб юрганамда кўплаб тадбирларга борар эдик. Бир тадбирда раққосаларнинг чиқишини ёқтириб қолди, онамга “Мен рақсга бораман”, деганман.

2012 йилда хореография билим юртига ўқишга кириб, устозлардан рақс сирларини ўргана бошладим. 2013 йил августда Самарқандда “Шарқ тароналари” фестивалининг очилиш ва ёпилиш маросимида “Ўзбекрақс” бирлашмаси ансамбли билан катта сахнага чиқдим. Ана шунда хореографияни танлаб тўғри қилганимни ич-ичимдан ҳис этганман. Ўзбекистон номидан илк бор катта сахнада санъатимизни намойиш қилиш имконини бергани учун устозларимдан миннатдор бўлгандим. Ансамбль раҳбари Муассар Сотиволдиева мени руҳлантирар, машгулотларда қатнашишга ундарди. 2014 йил аввалида ансамблга ишга қабул қилиндим. Шу тариқа катта сахнадаги профессионал ижодим бошланди.

2015 йилда илк бор Ҳиндистонга гастроль сафарига борганимизда Агра шаҳрида буюк ватандошимиз томонидан барпо этилган Тожмаҳалли кўриб, лол қолдим. Шундан сўнг яна кўплаб бошқа юртларга ҳам боришни ният қилганман. Санъатим ортдан дунё кўриш насиб этди. Бироқ барибор олий маълумот зарурлигини ҳар он ҳис қилиб турардим.

2017 йилда Республика ёш ижрочилар кўрик-танловига қатнашиб, 1-ўринни эгалладим ҳамда имтиёзли равишда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаси бўлдим. Бунинг учун давлатимиздан миннатдорман. Чунки кейинги пайтда юртимизда санъат ва маданиятга жуда катта эътибор берилляпти. Бунинг натижасида қатор халқаро кўрик-танловларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келамиз. Айниқса, Россиянинг Грозний шаҳрида буюк раққос Махмуд Эсамбаев номидаги XIV яккахон ижрочилар кўрик-танловига 176 иштирокчи орасида устозим —

Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубова куйлаган “Хоразм галини” рақсини ижро этиб, 2-ўринни эгаллаганимда Ўзбекистонга меҳрим ҳар қачонгидан жўшиб кетди. Чунки Хоразмдек қадимий воҳанинг куй-қўшиқлари, айниқса, рақслари бутун дунёга маълум ва машҳур.

Утган йил октябрда Зулфия номидаги давлат мукофотига номзод сифатида тавсия этилдим. Танловнинг ҳудудий босқичларидан муваффақиятли ўтдим. Республика босқичида “Куйгай” рақсини ижро этдим. Пешонамага ёзилган экан, камтарона меҳнатим юксак баҳоланиб, шу мукофотга муносиб кўрилдим.

Ҳозир Муқимий номидаги давлат академик мусиқали театрида балет артисти, Ўзбекистон давлат хореография академиясида педагог сифатида фаолият юритяпман. Келажак авлод тарбиясига, театр санъати ривожига ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман. Яна бир яхши гапни айтмасам бўлмайди. Жорий йил январда менга Россия давлат сахна санъати институти талабаларига Бухоро ва Фарғона рақслари бўйича маҳорат дарси ўтиш таклифи келди. Насиб этса, апрелда Санкт-Петербургда маҳорат дарсларини ўтиб қайтаман. Айни пайтда мумтоз куйларга рақслар сахналаштиришни режалаштирганман. Мумтоз рақсларимни 2-3 ойда томошабинлар эътиборига ҳавола қилиш ниятиданман. Шунинг фахр билан айтаманки, ўзбек рақсларини Ўзбекистонни севгандек севаман. Уларни дунёга танитиш учун бор маҳоратимни ишга солишга тайёрман.

ЭЪТИРОФ НАВБАТДАГИ ЮТУҚЛАРГА ИЛҲОМЛАНТИРАДИ

Бийбиназ ТУРЕМУРАТОВА, Тошкент ахборот технологиялари университетини Нукус филиали 1-босқич магистранти, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиби:



— Юртимизни ривожлантиришда айни пайтда юқори малакали дастурчи ва мутахассисларга эҳтиёж катта. Албатта, бугунги ва келажакимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Шундай экан, бугун рақамли технологияларни пухта эгаллаган инсонгина меҳнат бозорига ўз ўрнини мустақамлаш имкониятига эга. Мамлакатимизда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ёшларни нуфузли халқаро компаниялар талабларига мос дастурлар асосида тайёрлаш вазифаси белгиланган. Мен ҳам компьютер инжиниринги мутахассислиги бўйича билимим ва кўникмамни мустақамлаяпман. Республика миқёсида ўтказилаётган барча илмий-амалий анжуманларда қатнашиб келяпман. Шу кунгача нуфузли илмий нашрларда 35 та илмий мақолам эълон қилинди. Шунингдек, нутқида муаммоси бўлган одамларга мулоқот қилишда ёрдам берадиган дастурни ишлаб чиқяпман.

2024 йилда маъzur мукофот билан тақдирлаш жараёни янада такомиллашиб, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 7 февралдаги тегишли фармони билан хотин-қизлар ўртасида рақамли кўникмаларни шакллантириш, ахборот технологиялари соҳаси, жумладан, АТ хизматлари кўрсатиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишдаги улушини ошириш, ахборот технологиялари йўналишида алоҳида ютуқларга эришган иқтидорли қизларни муносиб тақдирлаш ҳам киритилди. Мен ҳам илк бора ахборот технологиялари йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофотига муносиб деб топилганимдан беҳад хурсандман.

Бу ютуқ ва эътирофлар зиммамга катта масъулият юклайди. Олдимга катта режалар қилиб қўйганман. Қорақалпоқ элининг Хўжайли туманидаги оддий бир оиладан чиққан қизга шунча эҳтиром ва эъзоз кўрсатилаётган экан, ватанимиз равнақи йўлида бор куч-гайратимни, билим ва салоҳиятимни намоён этишга сидқидилдан ҳаракат қиламан.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ДУНЁНИНГ ЭНГ БАХТЛИ ҚИЗИМАН

Меҳрибон АБДУРАЗЗОҚОВА, Шароф Рашидов туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби фортепиано синфи ўқитувчиси, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиби:



— Мамлакатимизда Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлишни орзу қилмаган қиз бўлмас керак. Мен ҳам зулфиячи қизларга ҳавас қилардим. Онам, опаларимга, насиб қилса, Зулфия номидаги давлат мукофотини олам, дердим. Онам “Ниятингга етгин, аммо фақат орзу-ҳавас билан иш битмайди. Кўпроқ ўқининг, ўз устингда ишлашинг керак”, дерди.

Инсон чин дилдан ҳаракат қилса, албатта, орзуларига етаркан. Кунни кеча Президентимиз қарори билан Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланганимни эшитиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Ушбу хушхабардан кўнглим тоғдек кўтарилди. Ўзимни дунёдаги энг бахтли қиз деб ҳис қилдим. Кувончдан кўзимга ёш келди.

Ушбу мукофотни олишимда ота-онамни дуоסי, устозларим, ҳамкасбларимнинг қўллаб-қувватлови, шогирдларимнинг муваффақияти сабаб бўлди деб ўйлайман. Биринчилардан бўлиб, ота-онам, устозларим, яқинларим таъриқлади. Тўғриси, ҳозир ҳам ҳаяжондаман. Меҳнатим қадр топганидан, зулфиячи қизлар каторига қўшилганимдан хурсандман.

Мендек оддий оила фарзандининг мана шундай давлат мукофотига сазовор бўлиши мамлакатимизда ҳақиқий истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишларнинг яққол исботидир.

Шу ўринда яқин йилларда ўзим ва шогирдларим қўлга киритган баъзи ютуқларни қайд этмоқчиман. Жумладан, 2023 йили Россияда бўлиб ўтган

“Star Cup” ва “Золотой орёл” халқаро танловларида, Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган “Янги йил юлдузлари” мусиқа ва санъат мусобақасида биринчи ўринни эгалладим. Утган йили “New talents” Осиё юлдузлари II халқаро танловига эса учинчи ўринга муносиб кўрилдим. Республика ва халқаро конференцияларда қатнашганман. Илмий журналларда бир неча илмий мақоаларим чоп этилган.

Ўндан ортиқ шогирдим МДҲда ўтказилган, жумладан, “Корабль знаний”, “Уз самого Чёрного моря”, “Муза” каби халқаро танловларда биринчи ўринга сазовор бўлди.

Мамлакатимиз ва МДҲ давлатларининг “Ўз касбининг фидойиси”, “Интеллектуал излунувчан”, “Таълим ифтихори”, “Молодой исследователь”, “Юрт ифтихори” каби медаллари билан тақдирланганман. Тўғриси ян айтаман, ушбу юксак эътироф ижодга иштиқимни кучайтириб, янада юқори натижаларга эришишга руҳлантирмоқда. Бундан кейин бор билим ва тажрибамни ишга солиб, шогирдларимга нафақат мусиқа, балки ҳаётдаги муҳим қадриятларини ҳам ўргатиш, уларни ватанпарвар, халқимиз қорига ярайдиган фарзандлар қилиб тарбиялашга сафарбар этаман.

Инсон қадрини учун

“ХАЛҚ ОВОЗИ”ГА АЙЛАНИШ МАСЪУЛИЯТИ

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИ

Бошланиши 1-бегда

Президентимиз ўтган йил 19 ноябрда Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида сўзлаган маърузасида жамиятимиздаги муҳим ислохотлар қаторида маҳаллий кенгашлар фаолиятини янги босқичга кўтариш билан боғлиқ қатор муҳим ғоя ва ташаббусларни ҳам илгари сурганди. Қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий кенгашларни жалб этиш, ҳудудларни ривожлантиришга оид дастурлар

ижроси бўйича депутатлик ва кенгаш назоратини амалга ошириш шулар жумласидан.

“Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили давлат дастурида белгиланган кенг қўлмали вазифаларни амалга оширишда мамлакатимиздаги барча тузилма қаторида маҳаллий кенгашлар фаолияти ҳам муҳим ўрин тутди. Айни кунларда жойларда шу йўналишда қандай ишлар бажарилляпти? Маҳаллий кенгашлар раисларидан баъзиларнинг шу хусусдаги фикрлари билан қизиқдик.

КЕНГАШ СЎРОВИ ВА ТЕКШИРУВИ

ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАР ҲУДУДИЙ ДАСТУР ВА ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИКНИ КУЧАЙТИРАДИ

Солижон МЎМИНОВ,
халқ депутатлари Наманган вилояти кенгаши раиси:



— Вилоятимизда одамларнинг ҳаёт тарзи ва ҳудуд қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Фикри-ишлари рақамлар орқали ифода этсак, сўнгги йилларда Наманган вилояти иқтисодиёти 2 баробар, экспорт ҳажми 3 қарра ўсиб, аҳоли жон бошига даромад ҳам кўпайиб борапти. Иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида инвестиция кенг жалб этилиши ҳисобига янги иш ўринлари очилмоқда.

Албатта, бу натижалар давлатимизнинг узоқни кўзлаб ҳамда инсон манфаатини энг олий қадрият деб белгилаб амалга ошираётган оқилона сиёсати маҳсулидир. Ушбу хайрли ишлар бардавом бўлиши ва ҳудудлар салоҳияти юксалиб боришида барча соҳа ва тармоқлар вакиллари қатори халқ ноибларининг ҳам ўрни катта.

Президентимиз Олий Мажлис Сенатининг 2024 йил сайловдан кейинги биринчи мажлисида бу борада зиммамизда турган вазифалар хусусида тўхталар экан, кенгаш сўрови ва кенгаш текшируви каби янги механизмлар орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш,

жойларда аҳолини қийнаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда бар-тароф этишда фаол ва ташаббускор бўлишимиз лозимлигини таъкидлади.

Бугун юртимизда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тобора фаоллашмоқда. Дунёдаги кескин геосиёсий вазиятга қарамай, иқтисодиётимиз жадал илдамляпти. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қайтариш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, таълим ва тиббиёт тизимини ислоҳ этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этиляпти. Натияжада кўпгина соҳаларда катта ютуқларга эришилди. Ушбу кенг қўлмали ислохотлар юртимизнинг халқаро рейтингларда ўрнига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, мамлакатимиз рейтингини қонун устуворлиги бўйича 8 поғона, электрон ҳукумат бўйича 18 поғона, иқтисодий эркинлик бўйича 49 поғона, логистика ва инновация бўйича 10 поғона юқори кўтарилди. Бу ютуқлар бардавом бўлиши ҳар биримизнинг юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишимизга боғлиқ. Маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳам бундай эзгу юмушларда ҳамisha олдинги сафда бўлиши бугуннинг муҳим тала-

бидир. Айни кунларда фаолиятимизда шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳаллий кенгаш ва доимий комиссияларнинг жорий йилдаги иш режасида бу борада асосий вазифалар белгиланганлиги, ишлар давом этапти. Энг аввало, жорий йилдаги давлат дастури ва ҳудудий дастурларда белгиланган вазифалар ўз вақтида амалга оширилиши лозим. Бу жараёнда бюджет маблағидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, инвестицияларни тўғри йўналтириш, тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаб ечимини топиш, “маҳалла еттичилиги” самарали иш юритиши учун қўлай шароит яратиш доимий эътиборимизда бўлади.

Камбағалликни бартафоз этишда тезроқ самара берадиган усуллардан бири тадбиркорлик ривожига кенг йўл очиб, бу борада ҳар бир ҳудуднинг фойдаланилмай турган салоҳиятини тўла ишга солишдир. Масалан, аҳоли томоққасидан унумли фойдаланиш, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини, туризмни ривожлантириш устувор йўналишлардан.

Шу мақсадда вилоятимизда Уччи тажрибаси асосида катта ҳаракат бошланган. Маҳаллаларга банкирлар бириктирилиб, улар “маҳалла еттичилиги” билан бирга хонадонлардаги имкониятлар, оилаларнинг хоҳиш-истакларини ўрганмоқда. Маҳаллаларда гулчилик, балиқчилик, асаларичилик, чорвачилик, узумчилик, қулупнай ва картошка етиштириш имконияти яхши. Бунга имтиёзли кредитлар ажратилляпти.

Сўнгги йилларда тўқимачиликда хомашини тўлиқ қайта ишлаш йўлга қўйилиб, экспорт ҳажми кўпайди. Шунингдек, заргарлик ҳам салоҳият анча юқори. Президентимиз ўтган йили вилоятимизга ташрифи асносида бу борада амалга ошириладиган устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Шу асосда амалий ишлар давом этапти. Хусусан, тадбиркорлар учун алоҳида шароитга эга заргарлик саноат зоналари ташкил қилинади. Соҳага хомашё етказиш, мутахассис тайёрлаш, ишлаб чиқариш занжири ва сотиш тизими бутунлай қайта қўриб чиқилмоқда.

Қисқаси, қилинадиган ишлар кўлами катта. Уларнинг натижаси эса инсон қадрини улуғлаш, ватанимизнинг куч-қудратини, салоҳиятини, халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришдек эзгу мақсадларимиз рўёбига хизмат қилади.

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЁШЛАР КАМОЛОТИГА ДАҲЛДОР МАСАЛАЛАР ДОИМ ЭЪТИБОРИМИЗДА

Гофир АЛИЕВ,
халқ депутатлари Навоий вилояти кенгаши раиси:



— “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”. Бу ғоя замирида улкан маъно ва мақсад муҳасам. Зеро, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Шу боис, тараққиётга интилган ҳар бир давлат ҳамisha халққа таянади, ислохотларни халқ фикри ва қўлоғи билан амалга оширади.

Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳасида рўй бераётган муҳим ўзгаришлар ҳам айнан халқ билан мулоқот кенг йўлга қўйилгани, ҳар бир ишда улар билан бамаслаҳат йўл тутилгани самараси, десак муболаға бўлмайди. Жорий йилдаги давлат дастурида бу хайрли ишларни изчил давом эттириш, халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш билан боғлиқ катта-катта мақсад ва вазифалар белгиланди. Жумладан, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш орқали оилалар даромадини ошириш бўйича янги ёндашувларни кенг жорий қилиш кўзда тутилган.

Маҳаллаларда эҳтиёжманд аҳоли қатлами билан манзилли ишларни ташкил этиш ва ижтимоий хизматлар кўламини кенгай-

тириш, мавжуд ресурслар, имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали юқори даромадли иш ўринлари очиб ҳамда камбағалликни қисқартириш чоралари кўрилмақда. Шу мақсадда Президентимизнинг “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унинг

ижросини таъминлаш биз, халқ вакиллари — вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари зиммасига катта масъулият юкляпти.

Бу йилги бандлик дастури доирасида секторлар ва маҳаллалар кесимида ойма-ой мақсадли кўрсаткичлар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сессиясида кенг муҳокамадан ўтказилди. Бундан ташқари, маҳаллаларда ташкил этилган микролойihalарни депутатлик назорати асосида ўрганиш режалаштирилган. Вилоятдаги барча маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш борасида шу йил январда 961 та микролойиха шакллантирилиши ва 2000 га яқин кишининг бандлиги таъминлиниши белгиланган эди. Амалда эса ҳоким ёрдамчилари томонидан 1360 та микролойиха онлайн маҳалла платформасига киритилди, режа 141,5 фоиз қилиб бажарилди. Ушбу лойihalардан 1088 таси ишга туширилган. Натияжада кўпалаб ишсизлар ишли бўлиб, оилалар даромади орттиришга ҳисса қўшилди.

Бу хайрли ишлар давомли бўлишига эришиш учун яна қатор янги лойihalарни

лойihalар бажарилляпти. Мисол учун, “Tulpro” фермер хўжалиги негизида қўйчиликни ривожлантириш лойихаси ишга туширилди. Бунинг учун қиймати 1 миллиард сўмлик 400 бош чорва олиб келиниди ва қўшимча 3 та янги иш ўрни очилди. Бу ишларга 14-Саржал овулидан сайланган депутат Батирхан Қушарбеков бош-қош бўлмоқда.

15-Нодира сайлов округидан сайланган депутат Юсуп Муродов ташаббуси билан бир неча йиллик муаммо ҳал этилди. Яъни Янгиярлик маҳалласининг ички кўчалари ўрганилиб, замонавий тунги ёриткичлар ўрнатилди. Ёки яна бир маҳаллий кенгаш депутатининг сўй-ҳаракати ва кўмаги билан 2 йилдан бунён бўйрак етишмовчилигини азийт чекаётган бемор аёлнинг мушкул осон бўлди. Чарос Эгамбердиевага бўйрак кўчириш операцияси ўтказиш учун зарур маблағ топишда кўмак берилди. Ҳозир беморнинг аҳоли анча яхши. Бу кўмак нафақат бир инсон, балки унинг оиласи, яқинлари учун ҳам катта мадд бўлди.

Қолаверса, кенг жамоатчилик кўз ўнгига рўй бераётган бундай ҳаётий воқеалар “Ҳеч ким ўз муаммоси билан ёлғиз қолмаслиги керак”, “Инсон қадрини барча нарсадан устун” деган ҳаётий тамойиллар фақат сўзда эмас, балки амалда ўз исботини топаётганини яққол намойён этмоқда.

Шу тарзда депутатлар халқимиз учун манфаатли қарорлар қабул қилиниши ва амалий ишлар давомли бўлишида доимо ташаббус кўрсатмоқда. Ҳудудлар қиёфасини замонавийлаштириш, аҳоли ҳаётини яхшилашга хизмат қиладиган янги тақдирлар илгари сурилмоқда.

Тўйлар, оилавий тантана, маърака ва маросимларни тартибли ўтказиш нафақат бугунги ҳаётимиз, балки келажак авлодлар камолоти ҳам муҳим ўрин тутди. Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг тегишли қўшма қарори қабул қилинган. Ушбу ҳужжат ижроси бўйича ишлар давом этапти. Бироқ баъзи ҳудудларда бу чора-тадбирлар тўлиқ ижро этилмаслиги, тўй-ҳашам, маросим ва турли оилавий тадбирларда исрофгарчилик ва дабдабазолик кузатилаётгани жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

Ушбу муаммоларга чек қўйиш учун аҳолининг тақдир ва муносабатларига мувофиқ, депутатлар ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят кенгашининг қарори қабул қилинди. Айни пайтда депутатларимиз ушбу қарор ижросини таъминлаш, тўй-маросимларни ихчам ва миллий анъаналарга мос ўтказиш бўйича аҳоли ўртасида кенг тарғибот олиб бормоқда.

Албатта, ҳали олдимизда қилинадиган ишлар кўп. Ватанимиз тараққиёти, келажак авлодлар камолотига хизмат қиладиган муҳим вазифаларни тўлақонли бажариш ва эл ишончини оқлаш зиммамиздаги устувор вазифа ва бурч бўлиб қолади.

38 таси жойида ҳал этилди, қолган 6 таси назоратга олинган.

Масалан, Хонқа туманининг Нурафшон, Шодлик каби маҳаллаларида яшовчилар билан ўтказилган мулоқотда йўл муаммоси кўтарилди. Масалани ҳал этиш мақсадида вилоят автомобил йўллари бош бошқармасига депутат сўрови юборилди. Таъмиратлаб қисми тегишли дастурага киритилиб, ишлар бошланди.

Шунингдек, Хонқа туманидаги Калтаёп каналини бетонлаштириш ва эскирган насосларни реконструкция қилиш масаласи ҳам дастурага киритилиб, лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. 35-Чига-той қалъа сайлов округи ҳудуди, яъни Шовот туманининг Хитой маҳалласида йўллар таъмиратлаб экани, пиёдалар йўли йўқлиги аҳоли ва ўқувчиларга қийинчилик туғдириши маълум бўлди. Бу муаммони ҳал этиш бўйича белгиланган тартибда ишлар бошлаб юборилди.

Бундан ташқари, депутатларимиз ўзлари сайланган ҳудудларга чиқиб, сайёр

қабуллар ўтказилляпти. Бу жараёнда тушган му-урожаатларга жойида ечим топиш чоралари кўриляпти.

Депутатларимизнинг ана шундай ишларидан халқимизни хабардор этиш, маҳаллий кенгашлар фаолияти бўйича аҳолига очик ва шаффоф маълумот бериш ҳам эътиборда. Шу мақсадда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, вилоят кенгашининг ўтган йилдаги фаолияти юзасидан оммавий ахборот воситаларида юзга яқин чиқиб уюштирилди. Ижтимоий тармоқлар орқали ҳам тегишли тартибда маълумот бериб борилмақда.

Жорий йилда бу йўналишдаги ишлар янада кенгайтирилиб, маҳаллий кенгашлар томонидан қилинган ишлар бўйича маълумот анжуманлари ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш ниятидамыз. Шу билан бирга, вазирлик ва идораларнинг қўйи бўғинлари, айниқса, туман, шаҳар бўлинулари билан ишни янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш кўзда тутилган.



ишлари суриш орқали иш ўринларини кўпайтириш режалаштирилган. Бу жараёнда ишсизлик муаммоси долзарб бўлган чекка ҳудудларда ҳам ишлар давом эттирилляпти. Конимех туманидаги лойihalар бунга мисол бўлади.

Асосан, чорвачиликка ихтисослашган мазкур ҳудудда ушбу тармоқни янада ривожлантириш бўйича истиқболли

ишлари суриш орқали иш ўринларини кўпайтириш режалаштирилган. Бу жараёнда ишсизлик муаммоси долзарб бўлган чекка ҳудудларда ҳам ишлар давом эттирилляпти. Конимех туманидаги лойihalар бунга мисол бўлади.

Асосан, чорвачиликка ихтисослашган мазкур ҳудудда ушбу тармоқни янада ривожлантириш бўйича истиқболли

БОР КУЧ ВА САЛОҲИЯТИМНИ ИШГА СОЛАМАН

Олтибой РАЖАБОВ,
халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши раиси:



— Янги таҳрирдаги Конституцияимизда янги Ўзбекистонни барпо этишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиш билан бирга, давлат ва жамиятнинг янада ривожлантиришининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, бош қонунимизга асосан, ҳокимларнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига раислик қилиши амалиёти босқичма-босқич бекор қилинмоқда.

Ушбу норма дастлаб вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларига, 2026 йилдан эса туман-шаҳар кенгашларига татбиқ этилиши белгиланган. Энди маҳаллий кенгашларга ҳокимлар эмас, балки депутатлар орасидан сайланган кенгаш раислари бошчилик қилади.

2024 йил якунида маҳаллий кенгашларнинг биринчи ташкилий сессияларида депутатлар орасидан илк мартаба кенгаш раислари сайлаб олинди. Жумладан, мен ҳам халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши раиси этиб сайландим. Халқимизнинг менга билдирган бу ишончи улкан фахр-ифтихор баҳш этди. Буни оқлаш учун бор куч ва салоҳиятим ҳамда кўп йиллик тажрибамни ишга солиб, меҳнат қилишни бурчим деб биламан.

Кўп йиллик фаолиятим давлат ва жамоат ишлари билан ўтди. Мустақилликка

эришганимиздан кейин ҳам турли лавозимларда ишладим. 1992 йилгача мамлакатимизда бир муддат маҳаллий давлат ҳокимиятига икки раҳбар бошчилик қилган ҳолатларга ҳам гувоҳ бўлганмиз. Ушундан айрим раҳбарлар долзарб муаммоларни ҳал қилиб, ҳудудни ривожлантириш ўрнига обрў талашидан ортмай қолгани ҳам бор гап. Табиийки, бошқарувдаги бундай хатолар давлат ривожига, халқ ҳаётига ўз таъсирини ўтказмай қолмасди.

Президентимиз 2024 йил 19 ноябрда Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида сўзлаган маърузасида яқин тарихимизда рўй берган бу воқеаларни бежиз ёдга олмайди. Зеро, раҳбар бўлган инсон бутун борлигини халқ ҳаёти ва ташвиши билан чамбарчас боғламас экан, бундай бошқарув одамлар ҳаётини оғирлаштиради. Шу боис, давлатимиз раҳбари ўтмишда йўл қўйилган ушбу хатолардан тўғри хулоса чиқаришимиз ва уларни такрорлашга йўл қўймаслигимиз лозимлигини уқтирди.

Умуман, ҳоким ҳам, кенгаш раиси ҳам, аввало, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли манфаатларини юқори ўринга қўйиб, ягона жамоа бўлиб ишлаши зарурлиги таъкидланди. Бугун ҳар бир йўналишда фаолиятимизни ташкил этишда ана шу масалалар диққат-эътиборимизда турибди.

Бугун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти “Кучли кенгаш, ҳисобдор

ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида ташкил этилмоқда. Ушбу ёндашув маҳаллий кенгашларнинг фаоллигини ошириш, ҳудуддаги муаммоларни ҳал этишда ташаббускорлигини йўллаб-қувватлашга қаратилган.

Хусусан, жорий йил январида халқ депутатлари вилоят кенгашининг бешинчи сессиясида жамин 13 та масала кўрилди. Шу билан бирга, ҳудудий ва халқаро ҳамкорликдаги дастурлар ижроси юзасидан таъсирчан депутатлик назоратини кучайтириш, кенгаш

фаолиятига ёшларни кенг жалб қилиш, кенгаш қарорларини қабул қилишдаги иштирокчи кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилляпти.

Кенгаш фаолияти самарадорлигини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, депутатлар ва сайловчилар ўртасида самарали мулоқот ўрнатиш мақсадида вилоят кенгаши депутатлари томонидан жорий йил январида 78 мартаба учрашув ўтказилиб, уларда аниқланган 44 та муаммоли масаланинг



Умуман олганда, маҳаллий кенгашларга бир вақтнинг ўзида ҳокимларнинг раислик қилиш амалиёти тугатилишини юртдошларимиз анча кутди. Ҳозир мамлакатимиздаги барча вилоят кенгашларини депутатлар орасидан сайланган вакиллар бошқармоқда. Кейинги йилдан бошлаб шаҳар-туман кенгашларига ҳам депутатлар орасидан сайланган муносиб номзодлар раислик қила бошлайди. Демократик жамият талабларидан бири бўлган ушбу тамойилнинг амалиётимизга татбиқ этилиши жойларда ислохотлар самарадорлигини ошириш, умуман, халқимизни бугунги яшаётган кундан рози қилиш, барқарор тараққиётга эришишимизга замин яратиши шубҳасиз, албатта.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.



Шарх

БИР МАҚСАДЛИ УЧ ХУЖЖАТ

Улар ёшларни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундайди

Бошланиши 1-бетда

Жамгарма ҳар қандай бизнес гоёни ҳам ҳаётга татбиқ этаверадими? Йўқ, албатта. Аввало, ташкилотга мурожаат қилган ёшларнинг бизнес лойиҳаси қанчалик муваффақиятли экани бўйича экспертларнинг тегишли ҳулосаси олинади. Чунки бугунги тезлашган замонда бизнес лойиҳа пишиқ-пухта бўлмаса, бозор талаблари ва рақобатга жавоб бера олмай банкротга учраши мумкин. Мисол учун, жамгармага ёшлардан бири тезпишар таом (лаваш, шаурма) сотиладиган емакхона очиб истагани билдириб мурожаат қилди. Бундай емакхона очилиши сарф-харажати ва қанча фойда келтириши ҳисобланиб, тайёр бизнес лойиҳа яратилади. Унинг қанчалик самарали экани экспертлардан тузилган кенгаш томонидан ўрганилиб, баҳоланади. Уларнинг 50 фоиздан кўпининг овозига эга бўлган бизнес лойиҳа самарали деб топилди, ҳаётга татбиқ этилади.

Кенгаш аъзолари кимлардан иборат? “Зар қадрини заргар билади” деганларидек, кенгаш аъзолари мамлакатимизда муваффақиятли бизнес юритаётган 20 нафар фаол тадбиркордан тузилади. Уларнинг аниқ шундай қайнаб юргани, ички ва ташқи бозор талабларидан бохабарлиги, иш тажрибаси лойиҳаларнинг муваффақияти тўғрисида баҳолашни қўлга келди. Шунингдек, ўзига тўқ ишбилармонларнинг кенгашга жалб этилиши тармоқнинг шаффоф, коррупция, таниш-билишчилик каби иллатлардан холи бўлишига амин яратди. Кенгаш аъзоларининг 30 фоизи ёш тадбиркорлардан тузилиши эса сараландиган лойиҳаларнинг ақсари янги замонавий тармоқда оид бўлишига амин яратди.

Тасаввур қилайлик, юқоридаги емакхона ташкил этиш борасидаги бизнес лойиҳа кенгаш томонидан маъқулланди. Энди кейинги босқич, емакхона очиб учун энг мақбул жой танланади. Агар бу бўйича лойиҳа муаллифининг бирор таклифи бўлмаса, жамгарма томонидан сараланган бизнес лойиҳалар қайси йўналишда эканига қараб алоҳида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Емакхона очиб жойи аниқ пайтда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилаётган янги 154 та туризм ва гастрономик кўчадан бири бўлиши мумкин. Шунингдек, у ерда ёш тадбиркорларнинг турли бизнес гоёларини ҳаётга татбиқ этиш учун керакли шарт-шароит ва имкониятлар ҳозирланаётгани ҳам лойиҳанинг тезда амалиётга татбиқ этилишига амин яратди.

Бундай манзилларга маҳаллий аҳоли билан бирга хоржий сайёҳлар ҳам келиши емакхона даромадини каррасига орттиради. Биринчи навбатда, ёшларнинг ташаббуслари билан бундай кўчаларда мингта савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда.

Ёшларга қишлоқ хўжалиги ерлари ажратилиши икки-уч йилдан бери ўзини оқлаб келатган амалиётлардан. Агар мана шу ерлардан фойдаланиб, даромадини 100 миллион сўмдан оширган меҳнатқаш ўғил-қизларимиздан бири ҳосилдорлики янада ортиради, фаолиятини кенгайтириши истаса, уларга жамгарма ўз ёрдамини таклиф этади. Бундай ёшларга янги нав яратиш ёки турли агротехник ишларни амалга ошириши учун зарур маблағ берилади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш тармоғини ташкил этиш бўйича



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



бизнес лойиҳаларни тақдим этса, бундай ташаббуслар, албатта, эътибордан четда қолмайди. Жамгарма томонидан бунёдкорлик ишлари учун керакли шарт-шароит ҳозирланиб, моддий кўмак берилади. Қайси соҳада фаолият юритишни ният қилишингиздан қатъи назар, муваффақиятли бизнес лойиҳалар учун жамгарма томонидан алоҳида ўзига хос тараққиёт йўли ишлаб чиқилади. Ташкилот шу каби усуллар билан ёшларни қўллаб-қувватлаб, 50 минг ўғил-қиз бандлигини таъминлашни кўзламоқда.

Бизнес лойиҳаларни моддий рағбатлантириш ҳажми уларнинг келгуси истиқболи, қамров кўлами кенглигига кўра белгиланади. Хусусан, Ўзбекистон бозорига муваффақият келтирадиган

стартуп лойиҳаларга 1 миллиард сўмгача, хоржий бозорга чиқиш имкониятига эга стартуп лойиҳаларга эса 2 миллиард сўмгача маблағ ажратилади. Эътибор беринг, бу ерда бир неча юз миллионлар эмас, миллиардлар тўғрисида сўз бормоқда. Ушбу маблағ бемалол бир ёшнинг ўз гоё ва фикрларини ҳаётга татбиқ этиши ҳамда йўлга қўйган бизнеси орқали оиласи, қолаверса, яна қатор ёшларнинг турмуш шароитини яхшилашга бошлангич сармоғи бўла олади.

Ёш ўғил-қизларга бундай имкониятлар тақдим этилаётгани фаол ёшларга ишонч нақадар баланд экани нишонасидир. Уларга билдирилган ишонч эса мамлакат келажаги, халқнинг эртасига бозорига муваффақият келтирадиган

Президентимизнинг ушбу “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра эса, “Ёшлар бизнеси” дастури амалга оширилади.

Ушбу дастур доирасида “Бизнес биринчи қадам”, “Ёшлар учун иш ўринлари”, “Инновацион ёшлар” лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилиб, 350 минг кишининг бандлиги таъминланиши режалаштирилмоқда.

Хужжатга кўра, “Алоқабанк” ёшлар банки, дея тўғривор этилиб, уларнинг бизнес лойиҳаларини амалга оширишда энг яқин ҳамкори бўлади.

Келинг, ёшларнинг турли жабҳаларини қамраб оладиган дастур лойиҳаларини маҳалла ёшлари мисолида тўшунтиришга ҳаракат қиламиз. Маҳалла гузарини ёшларнинг ташаббуслари кичкина хонада Азизбек кўчасига қўйиб, у икки йил аввал ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиб иш бошлаган. Одамлар хизматига шай Азизбекнинг маҳоратидан бутун маҳалла мамнун. У ўз фаолиятини янги босқичга кўтариб, болалар пойабзали тайёрлайдиган кичкина цехи бўлишини хоҳлайди.

Ҳаракатчан, фаол ёшларидан яна бири — Хадичахон. У тикувчилик устaxonасини юритади. Ҳозир кўлида беш нафар чевар хотин-қиз ишлаб, оиласи даромадига ҳисса қўшаётир. Хадичахоннинг яна 20 аёлнинг бандлигини таъминлашга шароити бор. Аммо бунинг учун озгина қўшимча маблағга эҳтиёж сезяпти. Шу боис, “Ёшлар учун иш ўринлари” лойиҳасига кўра, 20 та иш ўрни яратишни назарда тутувчи бизнес режасини

аллақачон тузиб қўйган. Фақатгина уни банкка тақдим этиб, 2 йилгача имтиёзли давр билан 7 йил муддатга 5 миллиард сўм кредит олиш қолган, холос.

Азизбек “Ёшлар бизнеси” дастурининг “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳаси бўйича 7 йил муддатга 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ўзи истаган ускунани сотиб олиш ниятида. Ўзини ўзи банд қилган ёшларга берилмайдиган бу кредитни олиш учун ҳатто банкка ҳам бориб ўтириши зарураслигини эшитиб, кўнгли тўқ, Фақатгина лойиҳани ҳаётга татбиқ этилишини сабрсизлик билан кутиб турибди.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, хужжатга биноан йўлга қўйилмайдиган биргина дастур билан ёшларимизнинг турли мақсадлари ўз рўёбини топиши мумкин. Ушбу дастур орқали 350 минг ёшни қамраб олиш, яна 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўғил-қизларга қўшимча 100 минг иш ўрни яратиш кўзланмоқда.

Учинчи муҳим хужжат — Президентимизнинг “Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида амалга оширилмайдиган “Келажакка қадам” дастури талабалар бандлигини таъминлаш, хоржий ўқув-юртларида малака оширишни қўллаб-қувватлаш, ўз соҳасидаги бизнес лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишига кўмаклашишга хизмат қилади.

Хужжатларда ёшларда бизнес режа тузиш, стартуп лойиҳалар тайёрлаш кўникмаларини шакллантириш борасида ҳам қатор янги механизмларни жорий этиш масалаларига урғу берилган. Хусусан, жорий йилнинг 1 апрелида ишга туширилмайдиган “Ёш тадбиркорлар” рақамли платформасида онлайн тренинглар ўтказиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, платформа ёш тадбиркорларга маҳсулот ва хизматлар учун бозор топишини онлайн майдони бўлади.

Ҳудудларда ташкил этиладиган “Ёшлар инкубатори” марказлари эса ёшлар дунёқараш ўзгариши, соҳа бўйича керакли билим-кўникмаларга эга бўлиб, тайёр бизнесмен бўлиб етишишига хизмат қилади. Шунингдек, бундай марказлар энди иш бошлаган тадбиркор ўғил-қизларга офис ижарага бериш, бухгалтерия, маркетинг, экспорт бозорларига чиқиш билан боғлиқ комплекс хизматлар кўрсатади.

Мақоламиз аввалогида мамлакатимизнинг қадимда дунёнинг энг йирик тижорат марказларидан бири бўлганини қайд этгандак. Айни пайтдаги тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги кенг қамровли ислохотлар мамлакатимизнинг ушбу мавқеини яна тиклашга амин ҳозирлайди. Юқорида шарҳлаган меъёрий хужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳам қай бир маънода, мана шу эзгу ва юксак марра забт этилишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Божхона хизмати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тараққиёти ва миллий хавфсизлигида муҳим аҳамиятга эга. Бундан бир неча йиллар аввал Ўзбекистон божхона тизими савдо ривожига салбий таъсир кўрсатадиган, бизнес учун маъмурий тўсиқ ва иқтисодий жараёнлар самарадорлигини пасайтирадиган бир қатор жиддий муаммоларга дуч келган эди.

Божхона расмийлаштируви мураккаб ва кўп босқичли жараён бўлиб, тадбиркорлар учун кечикчи ҳамда қўшимча харажатларга олиб келарди. Экспорт ва импорт операциялари расмийлаштируви учун ҳафталаб, ойлар кетарди. Ачинарлиси, божхона амалиётлари, асосан, инсон омилига асосланган, бу эса хатоликлар, коррупция омили ва самарасизлик хавфини оширган. Электрон технологиялар етишмаслиги маълумотларни қайта ишлаш жараёнини секинлаштириб, тадбиркорлар ортқича қозғозликка ўралашиб қолгани ҳам роост.

Қатор божхона постлари замонавий ускуналар билан жиҳозланмагани натижасида тирбандлик ва юкларни ташинишда кечикчи-ларга сабаб бўларди. Шу ва бошқа муаммолар узоқ вақтдан бери иқтисодий ва ташқи савдо алоқалар ривожига тўсиқ бўлди.

Бирок кейинги саккиз йилда тизимда кенг кўламли ислохотлар кечди. Соҳани модернизация қилиш жараёни изчил давом эттирилмоқда. Зеро, Ўзбекистонда божхона маъмуриятчилигини модернизация қилиш ва такомиллаштириш стратегик вазифа ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4-5 февраль кунлари Малайзияга расмий ташрифи доирасида қатор келишувлар, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги амалий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, икки давлат ўртасида қатор йўналишлар бўйича муҳим хужжатлар имзоланди. Хусусан, Божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги битим икки давлат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, тажриба ўрганиш ва маълумотлар алмашиш учун йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида юртимизнинг глобал транспорт-логистика

Бугуннинг гапи

ХАВФ ТИЗИМИ

122 ТА МЕЗОН БЎЙИЧА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАЙДИ

тармоқларига интеграциясини чуқурлаштириш ва миллий транспорт тизими салоҳиятини оширишга устувор аҳамият қаратилган. Айни мақсадда транспорт-логистика тизимини жадал ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини яхшилашга инвестиция жалб қилиш, юк ташинлар бозорига сўғлом рақобат муҳитини яратиш борасида изчил чора-тадбирлар кўриломоқда.

Замонавий божхона хизмати, аввало, товарларнинг чегара орқали ўтишини назорат қилади. Шунингдек, савдо-сотиқни рағбатлантириш, инвестиция жалб этиш ва бюджет даромадларини оширишда алоҳида ўрин тутади. Жараёнларни соддалаштириш, рақамли технологиялар жорий этиш ва ноқонуний товар айланмасига қарши кураш ишбилармонлик муҳитини яхшилашга ёрдам беради.

Экспорт ҳажминини ошираётган ва халқаро иқтисодий шартномаларда фаол иштирок этаётган Ўзбекистон учун самарали божхона тизими қатор имкониятлар ушгини ботади. Хусусан, бизнесдаги тўсиқларни бартараф этиш, юк расмийлаштирувини тезлаштириш ва тадбиркорлар харажатларини камайтиришга амин яратилади. Қолаверса, шаффоф ва прогнозага эришиш учун қулай шароитларни яратиш орқали хоржий инвесторларни жалб этиш имкони пайдо бўлади. Натижада адолатли солиқ юки таъминланади.

Шу нуқтага назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, божхона жараёнларини рақамлаштириш устувор йўналишлардан. Электрон декларация жорий этилиши, хавфларни автоматлаштирилган тарзда таҳлил қилиш тизимлари ва халқаро маълумотлар базалари билан интеграция қилиниши савдо операцияларини тезлаштириш

ва коррупция хавфини камайтириш имконини бермоқда.

Экспортлар фикрича, етакчи халқаро чаркилотлар билан ҳамкорлик ва божхона стандартларини халқаро меъёлар билан уйғунлаштириш рақобатбардорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Содда қилиб айтганда, божхона хизматини ривожлантириш нафақат жараёнларни техник жиҳатдан такомиллаштириш, балки мамлакат иқтисодий, хавфсизлиги ва инвестиция муҳитига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу боис, Ўзбекистон узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожланиш ва жаҳонда ўз мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган божхона хизматини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 24 февраль кунини божхона фаолиятини такомиллаштириш ва рақамлаштиришга оид тақдимот билан таништириш жараёнида минтақавий ва халқаро иқтисодий алоқаларни яхшилаш мақсадида бу соҳада кўп ишлар қилинганини алоҳида қайд этди.

Хусусан, ўтган даврда ўнга яқин давлат билан олдиндан ахборот алмашиш учун йўлга қўйилди, божхона расмийлаштируви ва маълумотларни қайта ишлаш марказлари ташкил этилди. 4 та йирик божхона постида терминаллар қурилди, 20 дан зиёди янги ускуна таҳлил қилиш тизимлари ва халқаро маълумотлар базалари билан интеграция қилиниши савдо операцияларини тезлаштириш

чегара орқали транспортлар ҳаракати 8 баробар кўпайиб, қарийб 5 миллионга етди. Бюджетга тушумлар 9 баробар ўсиб, ўтган йили 63 триллион сўмдан ошди. Юкларни расмийлаштириш вақти импортда 3 соат, экспортда 20 дақиқача қисқарди.

Умуман, тизим соддалаштирилиши орқали 6 мингта яқин экспортёр ҳамда 20 мингта яқин импортёрнинг сарф-харажати ва вақти тежалди. Халқаро логистика рейтингига божхона кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон 140-ўриндан 74-ўринга кўтарилди.

— Божхона қузатувда сунъий интеллектни кенг қўллаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ғайрат Носиров. — Шу мақсадда Жаҳон банки мутахассислари кўмағида “Хавф тизими” такомиллаштирилди. Бу тизим моливий барқарорлик, савдо тарихи каби 122 та мезон бўйича тадбиркорларнинг ишончлилик даражасини баҳолайди. Шунингдек, ренгтенг тасвирлари сунъий интеллект ассенда таҳлил қилиниб, хавфли товарлар автоматик аниқланади.

Ўзбекистон “рақамли божхона” тамойилини кенг миқёсда татбиқ этиш бўйича катта тажрибага эга. Сўнгги уч йилда божхона органлари фаолиятига янги 26 та ахборот тизими ва 10 та мобил илова татбиқ этилди. Рақамлаштириш жараёнларини бугунги замон талаблари асосида, сунъий интеллектни қўллаган ҳолда олиб бориш кўп жиҳатдан малакали кадрлар салоҳиятига боғлиқ,



Бунинг учун хориз тажрибасини чуқур ўрганиш, чет эллик мутахассисларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Тақдиримизда Божхона институти салоҳиятини ошириш, сунъий интеллект, рақамли технологиялар, таҳлика-таҳлил бўйича малакали кадрлар тайёрлаш, дуал таълимни ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгиланади.

Яна бир муҳим жиҳат. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнида божхона қонунчилигини бунга тўлиқ мувофиқлаштириш вазифаси қўйилди. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши инвестицион жозибадорликни ошириш, тадбиркорларимизнинг минтақавий ва глобал бозорларга кириб боришини таъминлашга хизмат қилади. ЖСТга аъзолик, ислохотларнинг мақсади ҳам халқимиз фаровонлигини таъминлаш, муносиб иш ўринларини яратиш ва иқтисодий ёшларнинг янада самарали тизимга ўтказишдан иборат.

Кейинги йилларда божхона ҳудудида қайта ишлаш турлари кенгайтирилгани самарасида бу тарзда экспорт қилинган товарлар улуши ўтган йили 1 миллиард доллардан ошди. Бу тизимни янада соддалаштириб, шу йилнинг ўзида экспортни 1,5 миллиард долларга етказиш мумкин. Товарлар ташқи савдоси айланмаси 2021 йилда 33 миллиард долларни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 47 миллиардга етди.

— Бугун олдимизда турган асосий вазифа рақамлаштириш жараёнини тезлаштириш ва

қулайлаштириш, шунингдек, давлат бошқаруви органларида аҳоли ва тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматларни тез, хавфсиз, қулай бўлишини таъминлашдир, — деди рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов. — Шу билан бирга, рақамлаштириш жараёнида давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда очилкик сийосати сабаб Ўзбекистоннинг ташқи савдо-иқтисодий алоқалари, туризм салоҳияти кенгайиб бормоқда. Хусусан, чегара ҳудудлари орқали йўловчилар ҳаракати ўтган йилда 55 миллион нафарни ташкил этди. Чегарадаги йўловчилар ва автотранспорт оқими камиди 2 қарра ошиши кутилмоқда. Шундай экан, чегара божхона постларида кўрсатилаётган хизматлар ҳам тез ва самарали бўлиши керак. Бу қўшимча инфратузилма яратиш, постларда ўтказувчанликни оширишни талаб қилади.

Халқаро қатновларни қўлайитириш мақсадида автобусларда ҳам авиарейсларгадек йўловчилар ҳақидаги маълумотларни олдиндан олиш тизими яратилади. Автобуслар чегарадан соддалашган тартибда ўтказилиб, расмийлаштириш вақти 2 баробар қисқаради. Бунинг учун энг йирик божхона постларида енгил автомобиль ва автобуслар учун қизил ва яшил йўлаклар жорий қилинади.

Бир сўз билан айтганда, божхона тизимидagi ислохотлардан қўланган асосий мақсад аҳолига имкон қадар қулайлик яратишдир.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



“ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА ПИЛЛАПОЯМИЗ”

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁҚАРАШ, ЎСАЁТГАН ТАФАККУР БИТИКЛАРИ

Куни кеча филолог олим, газетамизнинг фаол муаллифларидан бири кўнгирак қилиб қолди. Хол-ахвол сўрашгач, мақсадга кўчди: — Мутахассис сифатида мендан бир лойихада жамоатчилик асосида иштирок этишимни сўрашган эди. Сал ёқмайроқ розилик бергандим. Мана, ҳозир ҳаяжон билан сизга кўнгирак қиялпман. Мендан талабалар ёзган иншолар билан танишиб, баҳолаш, хулоса бериш, фикр билдиришни илтимос қилишганди. Ҳозир кўриб бўлдим. Турли йўналишда таҳсил олаётган талабаларнинг бу қадар теран мушоҳада юритиши, фикрларини аниқ ифодалашдан хурсанд бўлиб кетаяпман. Бир кўринг-чи, сизга ҳам юбораман.

Фидойи муаллимизнинг кўнгиригидан кейин йўналиб қолдим: у бежиз ҳаяжонланмади. Демак, ёшларимизнинг дунёқараши ўзгаришти, тафаккури ўсаяпти. Шундай бўлиши ҳам керак-да. Ахир дунёнинг эртаси, тақдирини ёшлар қўлида. Давлатимиз раҳбари ёшлар келажаги билан боғлиқ ҳар қандай вазифа билан аҳамиятга эга эканини бежиз таъкидламади. Бу ёндашув “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам аксини топган. Мисол учун, ушбу муҳим ҳужжатнинг “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўбega чиқариши учун муносиб шaroитларни яратиш”, деб номланган биринчи йўналиши 44 банддан иборат бўлса, шунинг 25 дан ортиғи бевосита ёшлар манфаатларига қаратилган.

Кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ёш авлод зиммасига залворли масъулият юклайди, ёшларимиздан халқимиз олдига турган юксак мақсадларга эришишда янада фаоллик кўрсатишни талаб этади. 30 июнь санаси мамлакатимизда Ёшлар куни деб эълон қилинган. Шу далилнинг ўзи ҳам кейинги даврда юртимизда ёшларнинг ҳаётида ўз ўрнини топиши учун муносиб шaroит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантиришга қатъий эътибор қаратилаётганини яққол тасдиқлайди.

Президентимизнинг жорий йил 14 февраль куни ёшлар билан учрашуви эса ҳукумат ва ёш авлод ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш йўлида муҳим қадам бўлди. Мулоқот аввалида давлатимиз раҳбари ёшлар тимсолида янги Ўзбекистоннинг бутунлиги ва эртанги бунёдкорларини кўраётганини таъкидлаб, турли соҳадаги ютуқлари билан тенгдошларига ўрناк бўлаётган ёшларни алоҳида эътироф этди. Шунингдек, ўқимини, билимини йиғит-қизлар сафини кенгайтириш борасида эришилган натижаларга ҳаққоний баҳо берди.

Энди иншолар мавзусига қайтсак. Филолог ака ми ўзини ҳаяжонга солган иншолар гудастасини бизга етказди. Улар Фаргона давлат университети талабаларининг ёзма ишларидан иборат экан. Турли



Ханим Йўлдошев оғай суратлари

йўналишларда таълим олаётган, келгусида ўз соҳаси бўйича фаолият юритадиган ёшларнинг битиклари билан танишиб, биз ҳам хурсанд бўлдик. Ёш ва жасоратли юраклар амери билан ёзилган бу самимий сатрларда ёшлар Ватанимизнинг “олтин фонди” дея ардоқланаётгани асл моҳияти ақс этган. Иншолардан олинган иқтибослар муштарийларимизни ҳам берафқ қолдирмас керак.

Мубина ТЎЛҚИНОВА, жисмоний маданият факультети талабаси:

“Ватанпарварлик кишини юксалтирувчи, куч-қувват бахш этувчи буюк фазилат. Бу туйғу инсоннинг авлод-аждодларига, ор-номусига, миллатига чуқур эҳтиром, виждонига, бурчига содиқлигидир. Яна инсон сийратига қўшиб яратилган олий туйғуки, у ўзликка садоқатдан куч олади, юксалади.

Бугун маррани баянда олган халқимиз шундай олижаноб туйғулар билан ёруғ манзилларга интиломоқда. Амалга оширилаётган ҳар бир эзгу иш айнан ватанга дахлдорлик, ўз тақдирини она юрт тақдирини билан бир бутун деб билиш юртдошларимиз кўнгиридан қувват олмақда.

Сўнгги йилларда мамлакатимиздаги янгиланишлар ва тараққиёт шиддатидан дунё ҳайратланаётгани, жаҳон майдонига янги Ўзбекистон деган давлат мустақам мақомага эга бўлгани — бор гап. Барча соҳа ва тармоқлар ислохотга юз тутди. Энг муҳими, одамлар тафаккури ўзгарди, ҳаётга муҳаббати ошди, бугундиган розилик, эртанги фаровон ҳаётига юксак умид йонгиди. Давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини англаб етган юртдошларимиз эса ана шу эзгу ишларга ҳисса қўшиб иштиёқи билан яшамоқда, эл юмушига енг шимармоқда. Бунинг замирида чинакам ватанпарварлик борлиги яққол аёнқидир”.

Турсуной ҲОШИМОВА, табиий фанлар факультети талабаси:

“Ҳозир дунёдаги етакчи олий таълим муассасаларида Ўзбекистонлик 1,5 мингдан зиёд талаба “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағи ҳисобидан таҳсил олаётгани ёки яқинда Бирлашган Араб Амирликларида ўтган катта форумда Президент мактаби ўқувчилари глобал даражада энг нуфузли номинацияда голиб деб топилгани ўз-ўзидан бўлиб қолмади, албатта. Катта ёшдагилар бундан 10 йиллар олдин Ўзбекистонлик ёшлар дунёнинг энг илғор олий таълим муассасаларида ўқиши ёки мамлакатимизнинг чекка қишлоқларидан чиққан ўғил-қизларнинг жаҳондаги энг етакчи компанияларда ишлашнинг тасаввур ҳам қила олмаганларини айтади. Бугун эса бу каби ютуқларга эришиш бизнинг авлод учун ҳеч нарса эмас. Сабаби, ҳозир мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига давлат сиёсати даражада эътибор қаратилди. Бу йўналишдаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун ресурс ҳам, вақт ҳам тежалмади”.

Нодирхон КОМИЛОВА, жисмоний маданият факультети талабаси: “Мен ўзимни, ҳеч иккиланмай, энг бахти қулган ёшлар қаторига қўша оламан. Ҳаракат қилиш, илм эгаллаш, озгина кунт орқали барча эзгу мақсадларга эришиш мумкинлигини кўрипман, ўз фаолиятимда ҳис қиялпман. Негадир авваллари барча муваффақият ва натижалар моддиятга боғлиқ деб ўйлардим. Нуфузли таълим муассасаларида ўқиш, йирик лойиҳа ва дастурларда иштирок этиш фақат пул орқали ҳал этиладигандек туюларди. Президентимизнинг 14 февраль куни ёшлар билан учрашувида аҳолининг ижтимоий муҳофазасига муҳтож қатлами манфаатларини ифода этадиган ғоя ва ташаббуслар кўп бўлганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, энди камбағал оиланинг фарзандига таълим кредити фоизсиз берилиши, қўшимча грант ажратилиши, контракт тўловининг бир қисми қопланishi қайд этилди.

Кувонарлиси, иқтидорли, билимга чанқоқ, лекин оғир оилавий шароити сабабли ўқиш имкониятига эга бўлмаган ёшларни хорижда ўқитиш бўйича янги тизим — “Ерқин истеъод” лойиҳаси жорий этилди. Ҳар бир маҳалладан ижтимоий ҳимояга муҳтож, билимга чанқоқ ёшлар саралаб олинди, иқтидорли аниқланиши ва салоҳиятига мос хорижий олийгоҳ танланиб, тайёргарлик курсларида ўқитилиши ёшларни руҳлантиради, албатта”.

Умидахон ТУРДИМУҲАМЕДОВА, аграр қўшма факультети талабаси: “Яқинда бир маълумот билан танишиб, қувончим ичимга сийма кетди. Мен таълим олаётган Фаргона давлат университети сўнгги йилларда дунёнинг энг нуфузли олий таълим муассасалари ва рейтинг ташкилотлари билан халқаро алоқаларни мустаҳкамлади. Ўтган йилларда Австралиянинг “UniRank” рейтинг платформасида маҳаллий миқёсда 23-ўринини банд этди. Грузиянинг халқаро университетлар рейтинг ташкилоти — “Round University Ranking” (RUR) рейтингидида ўқитиш индикатори бўйича 883-ўринини



эгаллади. Буюк Британиянинг нуфузли “ТНЕ” рейтинг агентлиги рейтингидида эса ФарДУ энг кучли 500 таликка кирди. Бунда олийгоҳ сифати таълим мезони бўйича алоҳида ўрин тутди.

Мен шу университет талабаси сифатида келгусида бу ютуқ кўрсаткичлари яхшиланиши, таълим муассасаси нуфузи ортиб боришига ишонаман. Негаки бунинг учун юртимизда барча шароитлар етарли”.

Самандар ҚОДИРОВ, ҳарбий таълим факультети талабаси:

“Инсон ҳаётида спорт муҳим аҳамият касб этиб, соғлом турмуш тарзи, интизом, ирода, ғалаба иштиёқи, жамоавийлик, соф рақобат, жисмоний ҳамда маънавий тарбиядир. Бутун дунёни бирлаштирувчи, элларни эларга, дилларни дилларга туташтирувчи куч ҳам спорт. Спортчи ёшларимизда ҳам жисмоний, ҳам чинакам инсоний фазилатлар тўғри шаклланиб бориб, улар ўзгача ватанпарварлик, юртга ва миллатга садоқат руҳида униб-ўсмақда.

Мамлакатимизда оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳоли жисмоний фаолигини ошириш борасидаги ислохотлар натижасида шу ўзгаришлардан баҳраманд бўлиб улғаяётган ёшларимиз жаҳон ареналарида муносиб ўрин эгалламоқда, юртимиз байрогини дунё узра баянда кўтармоқда. Чунки ёшларимиздаги спортга бўлган қизиқиш доимо қўллаб-қувватланмоқда ва спорт соҳасини жаҳон миқёсда ривожлантириш масалаларида биринчи галдаги вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Спорт — биз йилларнинг жону дилимиз. Мамлакатимизда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шaroитлар яратиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бу ФарДУ талабаларини спортга кенг қўламда жалб этиш, хусусан, футболнинг оммавийлигини ошириш борасида йўлга қўйилган истиқболли лойиҳаларда ҳам акс этипти. Мен негадир Европанинг номдор клубларига эмас, кўпроқ ўзимизнинг “Нефтчи” ва университетимиз футбол жамоаларига иштирокчи қиламан. Ўзимизда ҳам иқтидорли спортчилар кўплигидан, уларнинг имкониятлари кенгайиб бораётганидан доим мамнулик ҳис қиламан”.

Муштарий МЕЛИҚЎЗИЕВА, физика-математика факультети талабаси:

“Тарихга назар ташласак, бугунги ёш авлод учун чинакам ватанпарварлик тимсолига айланган сиймолар

ҳаёти, уларнинг ватан ва эл шаъни, қудрати, тинчлиги, маърифати, маънавияти йўлда кўрсатган улкан фидойиликлари хотирамизда қайта-қайта жонланади. Ватан туйғуси туфайли инсон ўзи яшайдиган уйни, ўзи яшайдиган маҳаллани, шаҳар қишлоқни севади, уни обод этади, шаънини улуглайди, ҳимоя қилади.

Бугун янги Ўзбекистоннинг янги даври яратилаётган экан, биз — ёшлар қалбимизга ватанпарварлик туйғусини синдиришимиз, муносиб фарзанд бўлишни олий мақсад деб билишимиз, юксак салоҳиятимизни юрт равнақи ва ривожига йўналтиришимиз зарур. Ахир биз ватан тараққиётининг олтин пиллапояларимиз.

Ватанпарвар халқ, юртсевар авлод ўз-ўзидан шаклланади. Қонда оқаётган бобомерос хислатлар билан бирга, бугунги миллий-маънавий тарбия, бугунги намуна ва иборат уларни камолга етказди. Зотан, Ўзбекистоннинг янги даврини ҳам ана шундай ватанпарварлар яратмоқда”.

Ўғил УБАЙДУЛЛАЕВА, иқтисодиёт факультети талабаси:

“Миллат тараққиёти, жамият ривожини учун аёлларимизнинг таълим олиши, илм билан шугулланиши ва ижтимоий фаолигини рағбатлантиришга эҳтиёж катта эди. Бу эҳтиёжни қондириш учун нафақат ўқишда, балки ишда ҳам, оилада ҳам, умуман, барча жабҳада аёллар қадрланди, уларнинг илм олиши, жамиятга муносиб ўрин эгаллашига муносиб шарт-шaroитлар яратилди. Эрга, хотин-қизлар, аёлларимизга кўрсатилаётган меҳр, эҳтиром эртага мамлакат тараққиёти, билимли авлод камолоти учун пойдевор бўлади.

Президентимизнинг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосан, олий таълим муассасалари, сиртки ва кечки таълимда ўқиётган хотин-қизларнинг контракт пулларини ўтлаш учун 7 йилга фоизсиз кредит бериш, давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари тўлиқ давлат бюджетидан қоплаб берилиши Ўзбекистонда амалга оширилган энг инсонларвар ислохотлардан бири, десак муволажа бўлмайди”.

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Тиббиёт

УМИД БЕРАЁТГАН АМАЛИЁТ

Яқинда Зомин тумани марказий шифохонасида Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари бошчилигида навбатдаги буйрак трансплантацияси амалиёти ўтказилди.

“Навбатдаги” дейишимиз боиси, туман шифохонасида биринчи марта буйрак кўчириб ўтказилаётгани йўқ. Шифохонада ушбу амалиётни қўллаш бошлангандан буён ўтган бир йилга яқин давр мобайнида ўнлаб бемор соғайиб кетди.

Ўтган йилдан буён гемодиализ муолажаларини олиб келаётган бемор Зоҳид Қаршиева акаси Комил Қаршиев ўзининг бир буйрагини берди. Ҳозир беморнинг ҳам, донорнинг ҳам аҳоли яхши, шифокорлар назорати остида саломатлиги тикланмоқда.

— Ҳаётимни сақлаб қолган ва бу муҳим операцияни муваффақиятли ўтказган шифокорларга раҳмат айтаман, — дейди Зоҳид Қаршиев. — Яратганга шукр, ҳозир ўзимни яхши ҳис қиялпман. Бундай мураккаб жарроҳлик амалиёти нархи қимматлиги, асосан, хорижда қилиниши ҳақида эшитиб, тўғриси, ҳаётдан умидимни узган эдим. Қарангки, ҳаммаси мен учун бепул амалга оширилди. Янги умид ва ишонч пайдо бўлди. Насиб қилса, соғайиб, ўз меҳнатим билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаман.

Буйрак кўчириб ўтказиш бугунги тиббиётда катта янгиллик эмас. Бироқ яқин йилларгача юртимизда бу касалликни даволаш амалда илмोजсиз бўлиб, имконияти беморлар

хорижга бориб, катта пул эвазига даволаниб келарди. Бу амалиёт республикамизда ҳам йўлга қўйилиши соғлиқни сақлаш тизимидаги инқилобий ўзгариш бўлди, дейиш мумкин. 2017 йилда Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида биринчи марта буйрак кўчириб ўтказилгандан буён бу муассасадан мингдан зиёд бемор дардига шифо топиб қичди.

Ҳозирги пайтда мазкур марказ мутахассислари томонидан бу турдаги операциялар нафақат вилоят марказлари, балки олис туманларда ҳам маҳаллий шифокорлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Бугун Жиззах вилояти аҳлига хизмат қилаётган жами 228 та соғлиқни сақлаш муассасаси, жумладан, 16 та вилоят шифохонаси ва тиббиёт маркази, 3 диспансер, 13 та туман, шаҳар тиббиёт бинолари, 35 оилавий, 13 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 76 та шифокорлик ҳамда 72 та маҳалла тиббиёт пунктнинг барчаси кейинги беш-олти йилда замонавий бинолар, энг сўнгги русумдаги асбоб-анжомлар билан таъминланди.

Хусусан, бу даврда кардиология ва эндокардиология каби иккита марказнинг янги бинолари қурилди ҳамда энг замонавий тиббий



асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, тиббиёт илмининг сўнгги ютуқлари асосида даволаш ишлари йўлга қўйилди. Натижада кардиология марказида уч йил давомиди юрак-қон томир касалликлари билан боғлиқ 5 мингдан ортиқ мураккаб юқори технологияли жарроҳлик амалиёти бажарилди. Ҳозир 12 та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг вилоятдаги барча филиалларида юқори технологияли тиббий муолажалар амалга оширилмоқда.

— Бугунги кунда вилоятда 50 ёшдан катта аҳолининг 25-30 фоизи юрак ишемик касаллиги билан диспансер назоратида туради, — дейди марказнинг ангиография бўлими бошлиғи Шаҳзод Асқоров. — Шуниси аҳамиятлики, аҳолининг жуда кўп қисми марказга юрак ишемик касаллиги сабабли биринчи ёрдам олиш мақсадида мурожаат қилади. 2023 йил бўйича юрак хуружи билан тушган 116 беморнинг 37 нафариди эрта диагностика қилинмагани сабабли миокард

инфаркти тахиси қўйилган. Янги келтирилган ангиография аппарати минглаб беморларнинг нафақат соғлигини тиклашга, балки ҳаётини сақлаб қолишга ҳам имкон беради. Мазкур бўлим фаолият кўрсатиши натижасида бир йилда 100 дан ортиқ миокард инфаркти ўз вақтида даволанди ва 300 дан зиёд инфарктнинг олди олинди.

Тизимдаги ислохотларда кишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Кейинги беш-олти йил ичида барча туманлар марказий шифохоналари давлат дастурлари асосида ё қайта қурилди, ё тўлиқ таъмирланди.

Малакали ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш борасида илғор чет эл клиникалари даволаш усуллари, юқори технологияли операцияларнинг вилоятда амалиётга татбиқ этиш мақсадида Германия, Россия, Туркия, Ҳиндистон билан 11 та меморандум имзоланган. Натижада 52 мутахассис чет элдаги клиникалар ва марказларда малака ошириб қайтди. Бугунги кунда тизимдаги мавжуд ихтисослаштирилган марказларда 12 та соҳа бўйича махсус қайта тайёргарликдан ўтиб келган мутахассислар ишлаяпти.

— Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида халқимиз саломатлигини

сақлашда олдимизга янги вазифалар қўйилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Махмарасул Умаров. — Энг асосий вазифа эса соғлом турмуш тарзи тарғиботи, касалликлар профилактикаси, яъни касални даволашдан кўра, унинг олдини олишга эътибор қаратиш ҳисобланади.

Касалликнинг олдини олиш илгаридан тиббиётнинг муҳим соҳаси бўлиб келган бўлса-да, асосий ресурс ва куч даволаш ишларига сарфланган. Мамлакатимизда профилактикага, касалликка эмас, уни келтириб чиқарадиган омилларга қарши курашиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилши йил дастуриди ҳам ўз аксини топиши жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ишдир.

Зеро, аҳолининг муайян қисмидаги кам ҳаракатланиш, пала-партиш овқатланиш, семирish натижасида турли касалликларга чалиниш кўпайиб бораётди. Касални даволашдан кўра, унинг олдини олиш муҳимлиги ҳақидаги оддий ҳаётини қондага кўпчилик риоя қилмаслиги ташвишланарли.

Ўтган йили вилоят аҳолиси тиббий хатловдан ўтказилганида уларнинг 40 фоиздан зиёди жисмоний фаол эмаслиги ва 30 фоиздан кўпи тўғри овқатланмаслиги аниқланди. Мана шулар оқибатида аҳолида ортиқча вазн, қон босими, юкүмли бўлмаган касалликлар кўп учрамоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги ишлар қўзланган асосий мақсадга — бу хизматдан одамларни рози қилишга олиб келмоқда.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Илҳор

Аёл — ЎЗ МИЛЛАТИН АБАДИЙ ШОНИ

Хуш тилак аёлни хушрўй қилгайдир,
Кўнгли кўкка бўйлаб, кўзи кулгайдир,
Қалби қалқиб-қалқиб, бахтга тўлгайдир,
Тилни тамшантирган дил роз аёлга,
Эҳтиром аёлга, эъзоз аёлга!

Аёл — умримизнинг боғига хусн,
Аёл — ғуруримиз тоғига хусн,
Шу боғда, шу тоғда гул бўлиб унсин,
Хушнуддир ярашар хуш ноз аёлга,
Эҳтиром аёлга, эъзоз аёлга!

Хусну малоҳати малаклик учун,
Ишқи ифор сочган юраклик учун,
Шодлик шалоласи сачратсин учкун,
Ҳаё химояда мумтоз аёлга,
Эҳтиром аёлга, эъзоз аёлга!

Она осмонимиз офтоби эрур,
Опа меҳримизнинг дил оби эрур,
Сингил садоқатнинг рубоби эрур,
Эзгулик, эътибор ҳамроз аёлга,
Эҳтиром аёлга, эъзоз аёлга!

Қизлар — қадримизнинг қадим қалқони,
Умримизнинг йўлдоши — умидим жони,
Аёл ўз миллатин абадий шони,
Кувонч қанотида парвоз аёлга,
Эҳтиром аёлга, эъзоз аёлга!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Онамга аталган Икки табрик

(Бади)

Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида гул бозорида қадрдон ҳамкасб дўстимни учратиш қолдим. Анча гурунглашдик. Ҳазил-хузул билан бошланган суҳбатимиз байрам арафасида кечгани учунми, оналар, она-сингиллар ва оилаларимиз ҳақида бўлди. Дўстимнинг қўлида гулдаста эмас, гул кўчатларини кўриб савол назари билан қарадим. У нигоҳимдаги савол аломатини дарҳол пайқадим. Онасини табриклагани қишлоққа бораётганини айтди. Қизиқ, кўчат билан-а?!



— Биринчи сингил борганимдан икки ой ўтган, онам хасталаниб вафот этди, — дея ҳикоясини бошлади дўстим. — Маъракалари ўтган, яна мактабга қатнай бошладим. Биринчи ўқитувчимиз расми дарсдан ташқари барча фан машғулотларини ўтадиган жуда меҳрибон киши эди. Баҳор келиб, аёллар байрамидан бир кун аввал — охириг дарс якунида синфдош қизларни табриклар, кўнглини кувонтирадиган сўзлар айтди. Айни пайтда биз, ўқувчиларга эртага, албатта, оналаримизни табриклашимиз зарурлигини насихат оҳангида тайинлади...

Бу менга негадир топшириқдек туюлди. Амма вазифини бажара олмаслигимни англаб, мен учун энг азиз инсонни йўқотишдан ярадор кўнглимдаги оғриқ ҳали ҳам кетмаганди. Аслида, бу воқеа гоҳ туш бўлиб қолишига, гоҳ онамнинг қандайдир мўъжиза билан уйга кириб келишига ўзимни ишонтирмақчи бўлиб юрган кезларим содир бўлган эди. Буни менга бирор киши эслатишини, ачинаб қарашини ҳам истамасдим. Чунки бу қарашлар ҳаёлий орзум ва кутган мўъжизамни йўққа чиқарадигандек туюларди.

Истақ ва соғинч устунлик қилибми, эртаси кунни тушга яқин қишлоғимиз чеккасидаги

қабристонга бордим. Ҳаёлимда симтўр билан ўралган қабристонга қараб онамни байрам билан табрикламоқчи бўлдим. Аввалига симтўр ортидан туриб пичирлаб нималардир дедим. Тахминан “Сизни яхши кўраман, жуда соғиндим”, деган бўлсам керак. Негадир “Совғам бўлганда эди...” деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Сўнг атрофга аланглаб эрта баҳор кунлари дўнгликларда униб чиққан тутмачагул, битта-яримта қизгалдоққа ўхшаш ўт-ўланга кўзим тушиб, қувониб кетдим. Улардан бир тутам юлиб келдим. Амаллаб чуқурча қовлаб, гулларни эқдим. Қабристон ёқасидаги анҳордан чеккаси йиртиқ дўппимда сув олиб чиқиб кўйдим. Шундай қилсам, бу гуллар томир отиб кетади, онам уларни кўриб қувонади деб чиппа-чин ишондим ҳам.

Байрамдан сўнг мактабга борганимизда муаллим биздан оналаримиз, она-сингилларимизни байрам билан табриклаганимиз ҳақида сўради. Барча жўр овозда “Ҳа, табрикларди!” деди. Назаримда, менинг овозим энг баланд, ишончли ва қувончли жаранглагандек бўлди...

Иккинчи кутлов

...Уруш қатнашчиси бўлган отам бошқа уйланмади. Тарбиямизга қаттиқ қарар, ўқиб билим олишимизни доим рағбатлантирарди. Дарс қилаётганимни, ҳатто бирор бадиий китоб ўқиётганимни кўрса, зарур бўлса ҳам асло иш буюрмамас, ўша ишни ўзи қиларди. Ойлар, йиллар ўтиб, ўзим ўйлаб топаётган мўъжизалар энди чуқур ҳурмат ва эъзозга

йўғрилган хотираларга айлана борди. Китоб ўқиш энг яхши кўрадиган машғулотибга айланди.

Кунларнинг бирида онамнинг ҳаётлигида тушган ва девордаги рамкага солинган як-каю ягона сурати ортидан рўмолини топиб олдим. Худди бошидан сирғалиб сурат ортига тушиб қолгандек эди. Ўша кунни рўмолини ҳидлаб, кучиб ухлаб қолдим. Кейин яшириб қўйдим. Қачон онамни соғиниб эгса олсам, рўмоли олиб ҳидлайдиган бўлдим. Уни ҳозир ҳам сақлаб келаман...

Ойлар, йиллар билан бирга ҳаёт ҳақидаги қарашларим, тушунчаларим улғая борди. Саккизинчи синфга ўтган кезларим туман газетасига хат-хабар ёза бошладим. Улар чоп этилганда негадир кўпчанча онам ёдимга тушарди. Ўша кезде Халқаро хотин-қизлар кунини байрами арафасида илк бор шеър ёзиб жўнатдим. Шеърим она ҳақида эди. Маъқул бўлди, шекилли газетанинг байрам сониде эълон қилинди. Ҳозир ўша шеърни тўлиқ эслай олмаман. Фақат охириг сатри ёдимда: “Ишонаман, она, бир кунни тонгда, уйготасиз бошим сийпалаб”.

— Мана шу гул кўчатларини онамнинг қабри пойига ўтқазиб келмоқчиман, — дея суҳбатимизни якунлади дўстим.

Бу хотиралар, самимий сўзлар онадек улуг зотга чексиз ҳурмат ва эъзоз, энг самимий табрик ифодаси эди.

Рустам БОЙТЎРА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



БЕШ БАРМОҚ ЙИҒИЛСА, МУШТ БЎЛАР...

Орамиздаги одамлар

“Сиздан бошқаси ҳал қилолмайди!”

Аёллар йиғинида ўтирганди. Нотаниш рақамдан қўл телефонига кўнгирик бўлди. Аввалига бандлиги сабаб жавоб бермади. Бироқ такрор-такрор кўнгирик бўлавергач, жавоб тутмасини босди. Қўшни қишлоқ оқсоқоли экан. Эллиқдан ошган эр-хотин жанжаллашиб қолибди. Иккаласи ҳам ажрашамиз деб туриб олганимиш. “Сиздан бошқаси бу муаммони ҳал қилолмайди”, деди хавотирли овоз эгаси.

Ҳожи она ёқасини ушлади. Ёшларни-ку тушуниш мумкин, ҳали ғўр бўлади. Невадали одамларга нима бўлган-а? Онахон маъракадан турасолиб, муаммони хонадонга борди. Кўрпачанинг бир четиде омонат ўтириб, ўзининг кечмишини, ёшликдаги қийинчиликларни гапириб берди.

— Орамиздаги масалани жаҳл билан эмас, ақл кўзи билан қараб ҳал этиш керак. Қўда-андалисиз. Одамлар гап-сўзидан, Яраганининг даргоҳида борганимизда, унга нима деб жавоб беришдан қўрқсангиз, кеч бўлмасидан тафаккур қилинг, — деди меҳмон гапини якунлаб. Бу сўзлардан сўнг уй эгаси хатосини тушуниб, кечирин сўради. Аёл чой дамлагани ошхонага шовди...

Эр-хотинни яраштирган инсон — Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги “Бувижонлар мактаби” жамоатчилиги кенгаши аъзоси, “Шопўлат” МФЙ “Бувижонлар мактаби” раҳбари Тўхтатощ Турдиева эди.

“Уйингизнинг дарвозаси йўғ-у...”

Онахон 25-30 йил аввалги кунларни эслаб, фикр юритади. Бугунги кунларга шукр қилади. Тўғриси, ўша кезлар она моддий етишмовчиликлардан қийналган. Эр-хотиннинг топиш-тутиши ҳавас қилгулик бўлмаган. Болалар вояга етгани сайин хавотир ортар, уларни ўқитиш, уйли-

жойли қилиш ташвиши буй кўрсатарди. Нормамат ака ишлагани хоригга кетишга мажбур бўлган.

— Уйингизнинг дарвозаси йўғ-у, тагин ўғил-қизларни ўқитамиз, дейсиз-а, Тўхтатощ? Қайси пулингизга ўқитасиз? Ундан кўра болаларингизни кўчага чиқаринг, пул топишин, — дея захарханда қулганди қўшни аёл.

Йиллар ўтди. Онахоннинг нияти холис экан. Ҳалол меҳнат ортидан оила ҳаммасига эришди. Уйи ҳам, мулки ҳам бор. Болалари олий маълумотли. Бугун кўпнинг ҳавасини келтирадиган намунали оилалардан бирига айланган. Ўша қўшни аёлниг вояга етган фарзандлари пул топармон бўлди, бироқ оқибатини, ота-онага меҳрини унутди...

Юбилей ўрнига суннат тўйи

— Бундан 100-150 йил муқаддам жадид боболаримиз исрофгарчиликнинг олдини олишга чақирган. Мана, орадан шунча вақт ўтибдики, бу мавзу ўз аҳамиятини

йўқотгани йўқ. Ҳали ҳам ватандошларимиз орасида кимўзарга мусобақалашаётганлар бор. Бу маънавиятсизлик китоб, газета ўқимаслигининг оқибати. Биз, бувижонлар шу масалада яқдил ишляп-миз. Тўй-маросимларни ихчамлаштириш, исрофнинг олдини олиш буйича қилаётган ишларимиз натижа бераяпти, — дейди Тўхтатощ Турдиева.

Фарзандлари ўзаро маслаҳатлашиб, онахоннинг юбилейини ўтказмоқчи бўлди. У эътироз билдирди. “Рози бўлсаларингиз, шу маблағни савоб ишга сарфласан. Масалан, болалар уйдаги гўдакларнинг кўнглини олишимиз мумкин”, деди. Фарзандлари “Онахон, сиз нима десангиз шу”, деб жавоб берди. Эзгу ишга энг шимарган аёлниг

Бугун қахрамонимиз хонадонидан меҳмон аримайди. Йўқлаб келгувчиларнинг аксарияти опадан яхшилик кўрган, у билан она-сингил тутинган. У кимнингдир бахт қулфини очган. Шунинг учун бўлса керак, маҳалладагилар уни “амма она” деб чақиради. Маҳаллаларда ана шундай “амма она”лар қанча кўп бўлса, муаммоларимиз шунча камаяди.

қарорини эшитган туман ҳокими ҳамма учун мақбул таклиф берди: “Туманда эҳти-ёжманд оилалар бор. Шуларнинг қоракўзлари учун суннат тўйи қилиб берсангиз, дуруст бўларди”. Бу таклиф опага ҳам ёқди ва 11 боланинг хатна тўйини ўтказиб берди.

Ёшлар учун кутубхона

Тўхтатощ Турдиева ўрта маълумот билан 36 йил давлат ташкилотларида ишлади. Ўша пайтдаги шароит унинг олий маълумот олишига монелик қилган. Шунга қарамай, тиришқоқлиги сабаб борган



даромад қилади. Шийпони шундоққина тут плантацияси этагида жойлашган. Ҳар йили камида 10 қути ипақ курти боқилади.

Бугун фермер хўжалиги кўп тармоқли ва унда маҳалланинг кўплаб ёшлари иш билан банд қилинган. Ўша ердаги маданият саройида онахон ёшлар учун 10 минг китоб фондиди ўзиде мужассас этган кутубхона очиб берди. Мазкур даргоҳнинг ўз йўқловчилари бор.

Муаммо маҳалладан ташқарига чиқмайди

Шопўлат кўҳна қишлоқ. Марказий давлат архивидеги ва тарихчи Муҳаммад ибн Араб Қатагон ёзиб қолдирган манбаларда келтирилишича, қишлоқ номи Муҳаммад Шайбонийнинг невараси Шох Фўлод исмидан келиб чиққан. Бу хонзода ўз даврида Самарқандда кўплаб иморатлар қурдирган, боғлар барпо этган.

Маҳаллада бугун 3150 фуқаро яшамокда. Уларнинг 1670 нафари хотин-қизлар,


900 дан ошиғи ёшлар. Маҳалла драйвери — қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш. Аксарият хонадонлар томорқасидан унумли фойдаланиб, даромад топади.

— Тойлоқ туманида элликта маҳалла бор. Улардаги муаммоларини ҳал этишда зиёли нурунийларнинг тажрибасидан фойдаланиш самара бераётир. Хусусан, Норчук Раҳмонова, Хосият Равшанова, Дилбар Барноева, Раъно Абдукаримова, Нарзатощ Ашурова ҳамда Тўхтатощ Турдиева сингари жамоатчилик аъзолари, бувижонлар бошқаларга намуна бўлмоқда. Уларнинг сай-ҳаракати билан маҳалла аёллари савҳат ва зиёратларга жалб этиляпти. Оилавий ажрашишларнинг олдини олиш, тарбияси оғир болалар билан ишлаш, бандлик масалаларини ҳал этиш, кам таъминланган оилалар фарзандларининг шартнома пулини тўлаш, тadbиркорларга йўл-йўриқ кўрсатишда ҳам айтишга арзигулик ишларни бажармоқда, — дейди туман “Бувижонлар мактаби” раҳбари Ўғиллой Йўлдошева.

Ўғиллой опанинг қўшимча қилишича, шопўлатликлар бир-бири билан иноқ. Аксарият ҳолларда муаммони ўзаро ҳал қилади. Бошқа худудлар билан муқояса этилса, бу ерда ажралиш ва ишсизлик камроқ. Ўтган йили низоли 12 та оила яраштирилган, иш сўраб муурожаат қилган 10 йиғит-қизнинг бандлиги таъминланган.

Халқимизда “Беш бармоқ йиғилса, мушт бўлар” деган гап бор. “Маҳалла етилиги” билан ҳамкорликда қилинаётган ишлар ҳаммани бир муштга айлантирган. Бугун қахрамонимиз хонадонидан меҳмон аримайди. Йўқлаб келгувчиларнинг аксарияти опадан яхшилик кўрган, у билан она-сингил тутинган. У кимнингдир оилавий низосини ҳал этган, кимнингдир бахт қулфини очган. Шунинг учун бўлса керак, маҳалладагилар уни “амма она” деб чақиради. Маҳаллаларда ана шундай “амма она”лар қанча кўп бўлса, муаммоларимиз шунча камаяди.

Ҳамзабек ТУРДИЕВ,
журналист



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақлаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-346.
37346 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида ҳосил. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов
Мусахҳиж: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза якуни — 21:10 Тошхирлиди — 23:35